

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Абдуназаров Севдиёр Дилшод ўғли

Гулистон шаҳар ИИБ ҳузуридаги

Тергов бўлими терговчиси

Анотация: Ушбу мақола орқали муаллиф жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш бугунги кунда юзага келаётган замонавий хавф хатрларни, жиноятчиликка қарши кураришдаги асосий вазифалар нима эканлигини ёритиб, жиноятчиликни олдини олиш бўйича чиқарилган қонун ҳужжатлари ва адабиётларга таянган ҳолда мазкур мавзунини ҳуқуқий таҳлилини ёритиб ўтган.

Калит сўзлар: Жиноят, одам савдоси, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликни жиловлаш.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Чунки, Жиноятлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала жиноятларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир»¹.

Кейинги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда. Хусусан, жиноятчиликка қарши курашиш ва бўйича ишлар асосан,

¹Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир // Халқ сўзи. – 2017. – 15 нояб.

содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш важиноятчиликка қарши курашишуларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишлар кутилган самарани бермаяпти.

Шу сабабли бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услубларини тубдан ўзгартириш, хусусан, қонун бузилиши ҳолатларини фож этиш ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш ушбу идораларнинг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларидан бирида « инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак»²-деб таъкидлаган эди.

Ушбу ёндашувни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида **айбдор шахсга жазо тайинлашда жамоатчилик фикрини инобатга олиш** амалиёти йўлга қўйилди. «Маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида судланувчиларга, айниқса ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланмоқда. Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун яна бир бор имконият берилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида – 152 нафар, Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида – 18 нафар, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида – 3 нафар, жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик кафиллиги эътиборга олинди. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил

² Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янадатараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

этади. Ана шундай ишлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залида жазодан озод қилинди, 11 нафар шахс жавобгарликдан озод қилинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланди»³.

«...Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Биз бу фикрни янада теран англаб олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан, Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт»⁴.

Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этишда ҳар бир идора ўз билганича иш тутиши, муаммоларнинг ечимига умумий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги каби салбий ҳолатларга барҳам бериш, идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мухитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // Халқ сўзи. – 2017. – 15 нояб.
2. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янадатараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.
3. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янадатараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 декабрь.

³Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янадатараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 декабрь.